



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SOG'LIQNI SAQLASH VAZIRLIGI**  
**MINISTRY OF HEALTH OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN**

100011, Toshkent sh., Navoiy ko'chasi, 4, tel.: (998 71) 241-08-95, 241-68-95,  
www.ssv.uz, e-mail: info@ssv.uz, ssv@exat.uz

2022 йил "11" октябрь

08-31297 - сон

**Қорақалпоғистон Республикаси  
соғлиқни сақлаш вазирлиги,  
Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш  
Бош бошқармаси, вилоятлар  
соғлиқни сақлаш бошқармалари,  
Вазирлик тасарруфидаги тиббиёт  
Олий таълим муассасалари ва  
илмий ташкилотларга  
Президенти Администрацияси  
ҳузуридаги Тиббиёт бош  
бошқармасига**


**Бухоро давлат тиббиёт институти томонидан режалаштирилган  
“COVID-19 дан кейинги реабилитация муаммолари” мавзусидаги  
республика илмий амалий анжумани ўтказиш тўғрисида**

**КЎРСАТМА-ХАТ**

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йилга мўлжалланган асосий ташкилий тадбирлар режаси ижросини таъминлаш мақсадида:

1. **2022 йилнинг 14-15 октябрь** кунлари Бухоро шаҳрининг “Zarafshon” меҳмонхонаси анжуманлар залида Бухоро давлат тиббиёт институти факультет ва госпитал терапия, нефрология ва гемодиализ ҳамда гематология ва клиник лаборатор диагностика кафедралари томонидан режалаштирилган **“COVID-19 дан кейинги реабилитация муаммолари”** мавзусидаги республика илмий амалий анжумани ўтказилсин.

2. **“COVID-19 дан кейинги реабилитация муаммолари”** мавзусидаги республика илмий амалий анжумани дастури 1-иловага мувофиқ, анжуманга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ташкилий қўмита таркиби 2-



иловага мувофиқ, ишчи қўмита таркиби 3-иловага мувофиқ, анжуман иштирокчилари учун ўринлар тақсимоти 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Фан ва таълим бошқармаси бошлиғи (Ў.Исмаилов), Бухоро давлат тиббиёт институти ректори (Ш.Тешаев) анжуман пухта тайёргарлик асосида, белгиланган муддатда юқори илмий ва ташкилий савияда ўтказилиши таъминлансин.

4. Бухоро давлат тиббиёт институти ректори (Ш.Тешаев) сертификатларни тайёрлаш ва конференция иштирокчиларини ўрнатилган тартибда сертификатлар билан таъминлаш амалга оширилсин; конференцияни ўтказиш билан боғлиқ бўлган барча сарф-харажатлар ҳомийлар ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан қопланиши назарда тутилсин;

анжуман эпидемиологик ҳолатни инобатга олиб, қатъий профилактик чоралар кўрилган ҳолда, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 29 июлдаги 205-сон Қарори билан тасдиқланган “Оммавий тадбирларни ўтказиш қоидалари”га мувофиқ ўтказилиши ва конгресс ўтказилганлиги тўғрисида ҳисоботни 3 кун муддат ичида Фан ва таълим бошқармасига тақдим этилиши таъминлансин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири, Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси, вилоятлар Соғлиқни сақлаш бошқармалари бошлиқлари, тиббиёт олий ўқув юртлари ректорлари, илмий-текшириш институтлари, илмий ва ихтисослаштирилган марказлар директорларига 4-иловага мувофиқ ўз мутахассисларини анжуман ишида қатнашиши таъминлансин.

6. Ахборот хизмати бошлиғи (Ф.Санаев) конференция ишини оммавий ахборот воситалари орқали ёритишни ташкиллаштирилсин.

7. Ушбу кўрсатма хат ижросининг назоратини ўз зиммамда қолдираман.

**Вазирнинг  
биринчи  
ўринбосари**



**А.Иноятов**